

Болалар учун саховат саватчалари



15:30 / 05.05.2021 2773

Орамизда саховатпеша инсонлар кўплаб топилади. Улар ўзларининг қилган амалларини ўзгаларга ошкор этишни ишашмайди. Биргина пойтахтимизнинг ўзида бир қанча озуқа савдо дўконларида жума куни нон текин ёки Рамазон ойида айрим маҳсулотлар арзон ёки бепул дея ёзилган пештахталарга кўзимиз тушган.

Яқинда ижтимоий тармоқларда бир сурат кенг тарқалди. Унда: «Туркия дўконларида «Кўз ҳаққи» деб номланган бепул мевалар тахланган расталар! Мевага кўзи тушиб егиси келган болажонлар учун қилинган. Бизда ҳам иложи бормикан?» дея изоҳ қолдирилган.

Буни қарангки, ҳамюртларимиз орасида бундай саховатпешаликни тезда амалга ошириш истагида бўлган тадбиркор ҳам топилиб, дўконига ана шундай мевалар тўлдирилган саватчаларни ташкил этибди. Буни кўриб

қувондик, унинг ҳақиға дуо ҳам қилдик. Зеро, болажонликда бизнинг халқимизга тенг келадигани бўлмаса керак.

Бобур Муҳаммадий тайёрлади